УССР Давлат китоб палатаси
260195

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 январь, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 15 (1017)

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят, туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онггига таъсири катта аҳамиятга эгадир, деди Президент Ислом Каримов. Зеро, у демократик рухда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Сизларни ана шундай кескин курашда халқ ишончига сазовор бўлганингиз — депутат этиб сайланганингиз билан табриклайман. Қолаверса, Маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида ҳам мана шу ерда ўтирган ҳокимларга юксак ишонч билдирилди, модомики ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили экан, мен буни ўзимга билдирилган ишонч каби қабул қиламан.

Аввал айтганимдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда, аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йиғинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг юқоридан қуйи поғонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади.

Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Бу туман ва шаҳар кенгашларини қандай одамлар бошқаришига ҳам боғлиқ. Биз бугун шу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишимиз лозим. Чунки ҳамма иш — ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳам, аҳолининг таъминоти ҳам, ободонлаштириш ҳам кўп жиҳатдан ҳокимларнинг даражасига, қатъиятига боғлиқдир.

Конституцияга биноан вилоят ҳокимларини Президент тавсия этади. Мен кимни шу масъулиятли лавозимга лойиқ топган бўлсам — унга ишонч билдирганимдир. Бошқача айтганда, мен уларнинг кафолатини зиммамга оламан. Вилоят ҳокимлари эса туман ва шаҳар ҳокимлигига муносиб номзодларни топиб, тақдим этишлари ҳамда уларнинг фаолияти учун жавоб беришлари шарт. Бундай лавозимларга масъулиятсиз, қатъиятсиз, йўлдан тоғдиган, халқ ҳақига хиёнат қиладиган одамлар тасдиқланиб қолмаслиги керак.

Илгари юртимиздаги тинчлик, осойишталик — энг катта бойлигимиздир, деган эдим. Яна бир улкан давлатимиз эса мана шу юрт фуқароларининг, халқимизнинг юксак ишончидир. Ҳаммамизга ана шу ишончни оқлаш насиб этсин. Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ демократик партияси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мандати учун курашди ва энг муносиблар бу юксак ишончга сазовор бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг ғояларини олга суриши даркор. Бундай деяётганимнинг сабаби шуки, баъзи депутатлар бошқа сиёсий куч ҳомийлиги остида мандатга эришиб, энди ўзини халқ демократик партия вакили деб эълон қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ҳам бундай ҳолларга бефарқ қарамаслиги керак. Қисқаси, ҳар ким ўзини тавсия этган, сайловда қўллаб-қувватлаган сиёсий куч номидан иш кўрсин.

Шу маънода Олий Мажлисда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам турли фракциялар, блоклар ташкил топиши мумкин. Зеро, демократик тамойиллар шуни тақозо этади. Бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўтказиш орқали бир тўхтамга келиш одатий ҳолга айланмоғи керак. Фақат ҳар кимнинг мана шу ҳаётни ўзгартириш, янада яхшилаш борасида ўз ғояси бўлсин. Бошқача айтганда, мақсад бир — унга етишмоқ йўли турлича бўлиши мумкин. Бундан кўз юммаслик керак. Қолаверса, парламент фаолиятида, умуман жамиятда фикр эркинлиги, ғоялар ранг-баранглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса, тараққиёт, олға силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишимиз — бунинг яққол далилидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бизда эскидан қолган бир иллат бор: «Яшасин якдиллик» деган хитобларга ўрганиб қолганмиз. Гўё биров сал бошқача фикрласа, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин. Фақат Конституция доирасида, ортиқча ҳою-ҳавасга, шовқин-суронга берилмасдан ҳаракат қилиш керак, холос. Очиқ, демократик давлат барпо этишнинг йўли шу ва биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз. Чунки, барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз бир, у ҳам бўлса — ҳуқуқий, демократик жамият қурмоқ, эркин иқтисодиёт барпо этмоқ. Авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқдир.

Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардаги шиорларни эслайлик, деди Президент. Улар асосан ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш, деҳқонларга ер бериш, эркин иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиклашдан иборат эмасмиди? Бугун, айтинглар-чи, ана шу ишлардан қайси бири амалга ошмасдан қолди? Бизга ўзини мухолиф санайдиганлар ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараб, шу саволга жавоб берсин! Уларнинг яна нима армони қолди?

Ҳаммасига осойишта, тинч йўл билан, миллатлар орасига нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса бўлар экан-ку! Агар ўша пайтда қуруқ ваъдаларга учиб, йўлимиздан адашиб кетганимизда нима бўларди? Бундай адашишларнинг аянчли оқибатларини ён қўшниларимиз ва бошқа кўплаб собиқ иттифоқ республикалари мисолида кўриб турибмиз-ку! Хайриятки, халқимиз, унинг онгли қисми тўғри йўлни танлай олди.

Ҳамма мана шу ҳақиқатни, ҳаёт ўзгариб бораётганини тўғри тушуниб олиши, айниқса раҳбарлар буни чуқур ҳис этиши, дунёқарашини ўзгартириши, фаолиятини бурунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт, дея таъкидлади Ислом Каримов. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб бераолмайди, охир-оқибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмаяпти, янги кучлардан — билимдон, ўзидан устун ёшлардан чўчиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу бир кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан ўралашиб қоляпти. Оқибатда эл-юртни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Ҳолбуки, халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жипслаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса — ҳаёт тарзи ўзгаради, сув — одамларга саломатлик бахш этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугунги энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштириш-га, камини ўз йўли билан четдан олиб келишга етарли ҳаракат йўқ. Биронта вилоятнинг бу борадаги топшириқни бажармагани шундай хулоса чиқаришга мажбур қилади. Ўзингиз ўйланг, Жиззах вилоятида лалми ерлардан бор-йўғи 7 центнердан ҳосил олинганини, аҳолиси кўп бўлган Фарғона вилоятида — 62 минг гектар ерга дон экилганини қандай баҳолаш мумкин? Қорақалпоғистондаги аҳвол бундан ҳам баттар! Ёки машаққат билан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетаётганига чидаб бўладими? Қисқаси, ҳар бир вилоят аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин. Марказдан қанча маҳсулот олади, ўзи қанчасини топади — буни келишиб олсин. Ҳукумат ўзига тегишли қисмини етказиб беради. Муҳими, ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шакар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан, хотиржам яшасин.

Лекин бу ўринда ўзингни бил, ўзгани кўй қабилида иш бўлмаслиги керак. Ўзбекистон яхлит мамлакатлигини унутмайлик. Масалан, Хоразмда ортиқча гуруч бўлса, Қашқадарёда галла бор. Четга югургандан кўра, улар ўзаро маҳсулот алмашса, яхши эмасми?

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Чунки бу халқ хўжалигининг барча соҳаларига таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги ўзгармас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун эса шу соҳада хусусийлаштришни жой-жойига қўйиш керак. Афсуски, биз бунга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Негаки, энг катта камчилик — ҳамон расмиятчилик кучли. Давлат, жамоа хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан моҳият ўзгармаяпти. Ҳамон ўша раҳбар, қотиб қолган раҳбар бошқарув тизими билан жойида ўтирибди. Энг ёмони — ислоҳот йўлида тўсиқ ғов бўляпти. Бунга барҳам берилмас экан, токи ҳар бир деҳқон ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулким деб қараб, шунга яраша муносабатда бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин.

Бу борада кескин чоралар кўриш, фермерларни қўллаб-қувватлаш зарур. Завод ва жамоа, деҳқон хўжаликлари иштирокида агрофирмалар тузиш, уларга бир киши эмас, балки ана шу фирма бошқаруви раҳбарлик қилиши керак. Гўшт, мева, узум маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Хуллас, ҳокимликлар, олимлар бу борада бир фиркга келиб, ўз тавсияларини беришлари даркор.

Қишлоқ хўжалигига дахлдор ҳар бир ташкилот — у банкми, техника таъминоти билан шуғулланадими — барчаси шу соҳада ҳақиқий ислоҳотни амалга ошириш учун жон куйдирмоғи шарт. Ҳеч ким бу ишдан четда турмаслиги керак.

Мамлакатда ҳисоб-китоб ишлари ҳам пухта бўлмоғи лозим. Чунки хорижий давлатлар ана шу ҳисоб-китобларда қайд этилган кўрсаткичларга қараб бизнинг иқтисодий салоҳиятимизни баҳолайди, муносабатда бўлади. Қолаверса, ўзимиз ҳам шунга қараб муаммоларимизни аниқлаб оламиз.

Бир мисол: биз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, деймиз. Собиқ иттифоқда ҳар бир киши ўртача 68 килограмм гўшт истеъмол қиларди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 26-28 килограмм эди. Ҳозир 40 килограммдан ортди. Хўш, бизда гўшт ишлаб чиқариш камайдими, ортдими?

Биз устивор йўналишлар — ғалла ва нефть мустақиллигига эришишни мақсад қилган эдик. Худо хоҳласа, қолган соҳаларда ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлайдиган даражага етамиз. Чунки иқтисодий мустақилликнинг нечоғли аҳамиятга эга эканини халқимиз теран тушунади.

Бу йил катта синов йили бўлади. Биринчи босқич даврида қилган саъй-харакатларимиз илк натижаларини бера бошлайди. Қолаверса, мақсадимиз аниқ унга етишиш йўлларини танлаб олдик, ниятимиз эса холис. Кимнингки нияти пок бўлса, яратган ҳам қўллайди, дейдилар. Зеро, мана шу барчамизга азиз бўлган ватан, заҳматкаш халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ савоб йўқдир, деди Ислом Каримов пировардида.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Аҳмад ХЎЖА,
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1995 ЙИЛГИ ПАХТА ВА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пахта ва дон етиштиришни янада кўпайтиришдан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида:

1. Сотиш юзасидан белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар улуши пахта толаси харид ҳажмининг 40 фоизигача ва бошоқли дон экинликлари харид ҳажмининг 50 фоизигача оширилсин, тегишли равишда илгари белгиланган давлат буюртмаси ҳажмлари пахта толасига 67 фоиздан 60 фоизгача ҳамда бошоқли дон экинларига 50 фоизгача камайтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги 10 кун муддат ичида пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари бўйича, шунингдек пахта толасининг улгуржи нархлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 22 августдаги Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 январь.

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

17 январь куни Японияда юз берган кучли зилзила оқибатида кўплаб одамлар ҳалок бўлгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 19 январь куни Япония императори Акихито ва Бош вазири Томиити Мураямага ҳамдардлик мактуби йўллади.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИСИ ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ ТОПШИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Акмал Саидов 18 январь куни Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеранга ишонч ёрлиғини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш хусусида сўз борди. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун икки давлат бошлиқларининг ташрифлари чоғида имзоланган шартнома ва битимлар муҳим асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Президент Франсуа Миттеран Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатни, республикада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни, ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий меросини юқори баҳолади. Элчининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе иштирок этди.

(ЎзА).

«ЗИЛ» ХОРАЗМДА ЧИҚАДИ

Шу йил кузда қадимги Хивадаги «Хоразм автомобил заводи» (ХАЗ) ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан машҳур «Зил» автомашинаси шассиси негизида ясалган юк машиналари, йўловчи ташийдиган ва ағдарма машиналар чиқа бошлайди. Бу машиналарга янги Ўзбекистон-Россия қўшма акционерлик жамияти — «Хазавтозил» рамзи ўрнатилади. 19 январь куни «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорациясида шу қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатлари тантанали вазиятда имзоланди.

— Хоразмлик автомобилчилар билан ҳамкорлигимиз узоқ тарихга эга, — деди «Зил» акционерлик жамиятининг биринчи вице-президенти Евгений Браков. — Бу ҳамкорлик ўзбек мутахассислари корхонамизда ишлаб, автомобилсозлик касбини ўрганишидан бошланган эди. Сўнгра Хивада «Зил» машиналарига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ғояси туғилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Энди эса, олдимизда навбатдаги босқич — тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Сир эмас, олдинги хўжалик алоқалари узилиб қолгач, ўз автомобил саноатига эга бўлмаган республика мураккаб вазиятга дуч келди. Бундай тармоқни барпо этиш — ана шу вазиятдан чиқишнинг энг оқилона йўлидир. Бу ишда Ўзбекистонлик касбдошларимизга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз. Гап хайрия тадбири тўғрисида бораётгани йўқ — ҳамкорлигимиз фақат ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланади. Биз кооперация асосида ишлашга, Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам иш жойларини кўпайтиришга, қўшимча фойда олишга йўл очяпмиз. Бундан ташқари, автомобил техникаси бозорининг Ўзбекистондаги истеъмолчиларга яқинлаштирилиши республикангиз корхона ва ташкилотлари кўплаб маблағни, шу жумладан валютани тежашига имкон беради. Бунинг устига, хоразмлик касбдошларимиз ташқи бозорда «Зил» маҳсулотларини сотиб, республикага фойда келтириши мумкин. Умуман, ҳамкорлигимизнинг ижобий томонлари кўп, шу сабабли «Хазавтозил»нинг муваффақиятга эришишига ишончим комил.

Қўшма акционерлик жамиятининг асосий сармояси 149,2 миллион сўм бўлиб, шундан 51 фоизи «Зил» акционерлик жамиятига, 39 фоизи Хоразм автозаводига, қолган қисми «Ўзавтотранс» корпорациясига тегишлидир. Олинадиган фойда ҳам шу нисбат асосида тақсимланади.

— Бу йил ўнлаб машина ишлаб чиқармоқчимиз, — деди «ХАЗ» ишлаб чиқариш бошқармасининг бош директори Раҳимбой Раҳимов. — Булар — юк автомобиллари, ағдарма машиналар, қишлоқ жойларда қатнайдиган автобуслардир. Республикамиз учун бундай машиналар жуда зарур. Кейинчалик ишлаб чиқариш ҳажмини бозор талаблари белгилайди. «ЗИЛ» шассилари эса хилма-хил машиналарни ишлаб чиқаришга имкон беради.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов Москвадаги «Зил» акционерлик жамияти вакилларини қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий, амалий суҳбат чоғида «Зил» акционерлик жамиятининг Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

В. ПРУГЕР,
ЎзА мухбири.

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ҳуқуқий давлат шаклланишининг ўзига хос белгиси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат.

Барча турдаги мулкнинг тенглигини таъминлаш, тадбиркорлар ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда кафолатлаш, иқтисодий қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳуқуқ-тартибот идораларининг асосий вазифаларидан биридир.

Бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ҳам давлатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Қуйида Тошкент шаҳар прокурори Э. ЖЎРАЕВнинг бу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Фақаттина 1994 йилнинг ўзида корхона ва ташкилотларда давлат ва жамоат мулкини сақлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан юздан ортиқ текширишлар ўтказилди. Уларнинг натижаларига кўра, 82 та жиноят иши қўзғатилди, кўплаб мансабдор шахслар жиноий, моддий, интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратурадаги маълумотлар кўпчилик раҳбар ходимларнинг қонунларни тўғри тушунмаслиги ва уни тўлиқ бажармаётганликларидан далолат бермоқда.

Ўтиш даврида давлатнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказиб, ғаразли мақсадларда бойишга уринаётганлар ҳам оз эмас. Жумладан, «Мурувват» номли хусусий корхона директори В. Буранга нисбатан тергов қилинган жиноят иши бунга мисол бўлади. В. Буран маблағ ва имкониятлари йўқлигига қарамасдан, турли давлат ва жамоат корхоналарига «Газ-31029» автомашиналари ва товарлар етказиб бериш ҳақида улар билан шартномалар тузган. Лекин шартномавий мажбуриятларни бажариш ўрнига олинган маблағларга видеоаппаратлар, кондиционерлар, совутгичлар ва бошқа товарларни харид этиб, уларни ўз билганича тасарруф қилган. Турли ташкилотларнинг 501050 сўмдан зиёд, шу жумладан, «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан 10000 сўм, «Биокибернетика» илмий тадқиқот илмгоҳидан 11000 сўм, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестидан 12000 сўм, Ангрен картон комбинатидан 8000 сўм олган. Айни вақтда бошқа ташкилотларни ҳам алдаб пул ўтказдирган. В. Буран жиноий жавобгарликка тортилди ва етказилган зарарлар ундирилди. Лекин мазкур корхоналарнинг раҳбарлари моддий ҳолати ҳеч нарса билан кафолатланмаган корхона билан шунчалик енгил тарзда шартномалар тузиб, йирик миқдордаги давлат маблағини ўтказиб юборганликлари ташвишланарли ҳолдир.

Ёки яна бир мисол. Л. Қаюмова «Надежда» ширкатининг раиси бўлиб ишлаб, йирик миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш мақсадида ўн кун ичида 50 миллион сўм-купонга конвертация ҳақида шартнома тузиб, бу маблағни ширкатнинг банкдаги ҳисобига ўтказилишига эришган. Кейинчалик бу пулларни ўз қарзларини тўлаш, автомашина ва бошқа товарлар олишга совурган. Л. Қаюмова жиноий жавобгарликка тортилди, тинтув пайтида ундан 123585 сўм миқдоридаги товар-моддий бойликлар олинди, жиноят иши судга юборилди.

Кўпчилик иқтисодий жиноятлар раҳбарларнинг мулк сақланишига ўта жиноятқорона масъулиятсизлик, совуққонлик билан қараши ҳамда қонун талабларига риоя қилмасликлари натижасида содир этилаётганлиги аниқланмоқда.

Жумладан, Ш. Мирсаидов 1990-91 йилларда Министрлар Советининг Раиси лавозимида ишлаб туриб, ўзининг кенг ва катта ваколатларидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатлари ва уларни ҳимоя этувчи қонунларига зид равишда фойдаланган. У хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, лавозимидан фойдаланиб, республика манфаатларига жами бўлиб 5 миллион 634 минг 670 АҚШ доллари миқдорида зарар етказган. Ачинарлиси шундаки, у юртимиз деҳқонларининг пешона тери билан етиштирилган пахта маҳсулотини чет элга сотишда ўз ғаразли шахсий манфаатини кўзлаб иш тутган. Шу жиноий ҳаракатлари учун у Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмига кўра, айбдор деб топилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги республика Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия ҳақидаги Фармонига асосан, у жазо ўташдан озод этилган. Унга инсонийлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлинганига қарамасдан, етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги суд ҳукмини бажармаган, ҳозиргача ундан давлат фойдасига бирор сўм ҳам ундирилмаган. Ш. Мирсаидов келтирилган зарарни тўлаши ва ишга жойлашиши лозимлиги ҳақида бир неча бор огоҳлантирилган бўлса-да, аммо ҳанузгача бундан бўйин товлаяпти. Бундай ҳолатда қонун йўли билан тегишли чоралар кўришга тўғри келади.

Корхона раҳбарларининг давлат мулкини сақлашга лоқайд муносабатда бўлаётганликлари тўғрисида яна бир мисолни келтириш мумкин.

«Чилонзор» фирмасининг раҳбари А. Медведев ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, Юнусобод ошхоналар трестининг савдо-харид базаси раҳбарлари билан 200 миллион сўм миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган. Бунинг ўрнига пулларни автомашина ва видеоаппаратура олишга сарфлаган, шунингдек, бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган.

Суд ҳукми билан унинг молмулки мусодара қилиниб, давлат фойдасига 52 миллион 16 минг 416 сўм миқдоридаги етказган моддий зарар ундириб олинди ва у 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Шаҳар прокуратураси органлари иқтисодий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарарни ундиришга жиддий эътибор бериб келмоқда. Жиноят ишларининг тергови давомида 50 миллион 23 минг 290 сўм миқдорида давлатга моддий зарар етказилгани аниқланиб, шундан 31 миллион 555 минг 817 сўм ундириб олинди, бундан ташқари, умумий назорат тартибидаги текширишлар жараёнида ҳам 2 миллион 89 минг 311 сўмлик моддий зарар ундириб олинди.

Прокуратура органлари иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш борасида қатъий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўйлаймизки, бу тадбирлар қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида ижобий натижаларини беради.

Эргаш ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

• *Шахсий мулоҳаза*

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИ

Миллий истиқлол ҳуқуқий давлат асосларини яратиш, ватандошларимизда ўз халқига, ватанига садоқат ҳиссиётларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг амалий ва маънавий воситаларини вужудга келтириш имконини яратиб берди.

Айтиб ўтиш жоизки, мустақилликда кечган 3 йил ичида республикамизда ижтимоий адолатни тиклаш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган жамият тараққиётининг беш тамойилидан бири — қонуннинг устиворлиги деб кўрсатилиши ҳам жамиятимизда ижтимоий адолат тантанасини таъминлашда юксак роль ўйнади. Шу ўринда яқиндагина Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган демократик сайловларни ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиз. Зотан сайлов бизнинг тарихимизда илк бор муқобиллик асосида, демократия ва адолат мезонларига тўла мос равишда амалга оширилдики, бу ўлкамизда кечаётган ижобий ўзгаришлардан даракдир.

Хўш, ижтимоий адолат нима? Бу тушунча қачон пайдо бўлган? Унинг моҳияти нималардан иборат?

Адолат ғояси азалдан инсониятни ўзига чорлаб келган. Унинг ижтимоий-фалсафий мазмуни ҳар бир тарихий давр ва муайян шароитларнинг талабига қараб ўзгариб турган ва тобора бойиган. Ҳали давлат мавжуд бўлмаган даврдаёқ ижтимоий адолат тушунчаси мавжуд қоидаларни бузганларга нисбатан жазо бериш талабини ифодалаган. Яъни у қилмишига яраша жазо олмоқни англатади. Пайғамбаримизнинг «Ал қасос минал ҳақ» (Ҳар қандай жиноят жазоланмай қолмайди), деган ҳадислари ҳам шу маънони англатади.

Илм ва маданият юксалиши билан адолат ғояси ҳам «кўзга кўз», «қонга қон», «тишга тиш» каби содда тушунчалардан, аста-секин турли фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий таълимотларда ўз ифодасини топди. Унинг мазмуни тор маънодаги интиқом, қасос тушунчалари билан чекланиб қолмасдан жамиятдаги социал зулм ва тенгсизликни тўғри фаҳмлаб, уларни йўқотишнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва сиёсий томонларини ифодаловчи қарашлар ва ғоялар мажмуасида ифодаланди. Бу айни вақтда кишилик жамиятининг ўз тараққиёт жараёнида босиб ўтган мураккаб изланиш ва кураш йўлининг, илм ва тафаккур соҳасида юз берган янги ахлоқий қарашлар ва сиёсий тамойилларнинг назарий, фалсафий ифодаси ҳамдир. Шунинг учун ўтмишда турли ижтимоий жамият вакиллари адолат хусусида ҳар хил фикрларни баён қилганлар. Масалан, Қадимги Юнон ва Рим файласуфлари қулдорлик тузумини адолатга зид, ғайриинсоний ҳодиса, деб қарамаганлар. Чунки уларнинг назарида қуллик табиий тенгсизликнинг ифодаси ҳисобланган. XX асрда коммунистлар ижтимоий адолатга, хусусий мулкчиликка асосланган мавжуд тузумни инқилобий йўл билан ўзгартириш ифодаси сифатида қарадилар. Миллий истиқлол шароитида эса хусусий мулкчиликка инсон ижодий меҳнатининг асоси, айни вақтда ижтимоий адолатнинг ифодаси ҳамдир, деб қарамоқдамиз. Демак, адолат тарихий тушунча бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос мазмун касб этади ва талқин қилинади.

Адолат ғояси буюк шоир ва мутафаккир Навоий ижодида ҳам ҳар томонлама кенг ва чуқур шарҳланган. Унинг ўзига хос томони шундаки, Навоий бу ғояга умуминсоний мазмундаги ахлоқий ва ҳуқуқий категория ва сиёсий тамойил сифатида қарайди. Масалан, яна бир буюк даҳо Афлотун эса адолатни ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрнига мувофиқ ўз вазифаларини қатъий равишда бажаришнинг ифодаси, деб ҳисоблайди. Мавжуд қулдорлик тузумининг барча қонун-қоидаларига риоя қилмоқнинг ўзи адолатдан иборатдир. Яъни ҳар бир ижтимоий табақага мансуб кишилар (аъёнлар аъёнлари, ҳавони тозалаб берадиган тизимлар билан бирга мураккаб қурилмалар яратилган. «Ором» номи берилган кичик корхона сутли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 20 хил томизғи тайёрлаб, болалар ошхоналари ва сут заводларини томизғи билан таъминламоқда. Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмасига биноан тўртта янги бактерияли томизғилар ишлаб чиқилди.

Лабораторияга фақат тошкентликларгина мурожаат қилиб, ёрдам сўраётгани йўқ, бу ерга Тожикистон, Туркманистон, Россиядан ҳам буюртмалар келиб турибди.

Маҳаллий штаммлаш асосида тайёрланган томизғилар касаллик қўзғатувчи вирусларни ўлдириб, қулай муҳитни вужудга келтириши: организмни мустаҳкамлаши, болалар организмининг турли юқумли касалликларга қаршилик кўрсатишини кучайтира олиши тадқиқотлар натижасида аниқланган ва ишонарли тарзда тасдиқланган. Тиббий таҳлиллар натижаларига қараганда, бу шифобахш маҳсулотларнинг ҳар бир истеъмолчисига — хасталарга ҳам, соғломларга ҳам профилактика мақсадида уларни қўлланиш хусусида аниқ тавсиялар берилиши мумкин.

— «Ором» эндигина оёққа турмоқда, — дейди лаборатория мудири, биология фанлари доктори Д. Огай. — Фан билан ишлаб чиқаришнинг бевосита алоқаси ҳозирнинг ўзидаёқ самара бераётгани қувончлидир. Тошкентдаги «Ниҳол» тажриба заводида бизнинг технологиямиз асосида ҳар ойда 15 минг шиша шифобахш сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Технология линиясини тўла ишга тушириш эса, республикани хилма-хил зарур маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

— Афсуски, бозор муаммолари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти, бу муаммоларнинг айримларини ўз кучимиз билан ҳал этишга қодир эмасмиз, — деб давом этади лаборатория мудири ташвишланиб. — Ҳатто лабораториянинг микробиология институти биносида қолиши ҳам муаммо бўлиб қолди. Кўп йиллар давомида қийинчилик билан барпо этилган, фойда келтириши амалда исботланган лабораториянинг кўчириб юборилмаслигини истардик.

(ЎзА).

ЙЎҚ, ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ИЗЛАНИШГА ҒОВ ЭМАС

Республика Фанлар академиясининг Микробиология институти ходимлари лабораториядан чиқмай турибоқ, болалар учун таом тайёрлашнинг ўзлари яратган технологиясини амалиётга жорий этишга муваффақ бўлдилар. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси билан биргаликда хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган кичик корхона барпо этилди. Унда шу институтнинг сутқатиқ бактериялари лабораторияси ходимлари кашф этган самарали ва шифобахш «Ором» томизғиси ишлаб чиқарилмоқда.

Шифокорларнинг хулосасига қараганда, болаларнинг сутли таомларини тайёрлашда бундай томизғидан фойдаланиш бир қанча оғир юқумли касалликлар — гепатит, ичбуруғ ва бошқа хавфли хасталикларга болалар жисмининг қаршилигини кучайтиради. Бозор муносабатлари шароитида институт олимлари бу соҳадаги тадқиқотларини давом эттириш, асосан болаларга аталган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва шифобахш хусусиятларини ошириш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар.

Дастлабки пайтда бу ерда озгина маҳсулот ишлаб чиқара оладиган лаборатория линияси мавжуд эди. Ҳозир эса, махсус сув ва буғ қувурлари, вакуум линиялари, ҳавони тозалаб берадиган тизимлар билан бирга мураккаб қурилмалар яратилган. «Ором» номи берилган кичик корхона сутли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 20 хил томизғи тайёрлаб, болалар ошхоналари ва сут заводларини томизғи билан таъминламоқда. Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмасига биноан тўртта янги бактерияли томизғилар ишлаб чиқилди.

Лабораторияга фақат тошкентликларгина мурожаат қилиб, ёрдам сўраётгани йўқ, бу ерга Тожикистон, Туркманистон, Россиядан ҳам буюртмалар келиб турибди.

Маҳаллий штаммлаш асосида тайёрланган томизғилар касаллик қўзғатувчи вирусларни ўлдириб, қулай муҳитни вужудга келтириши: организмни мустаҳкамлаши, болалар организмининг турли юқумли касалликларга қаршилик кўрсатишини кучайтира олиши тадқиқотлар натижасида аниқланган ва ишонарли тарзда тасдиқланган. Тиббий таҳлиллар натижаларига қараганда, бу шифобахш маҳсулотларнинг ҳар бир истеъмолчисига — хасталарга ҳам, соғломларга ҳам профилактика мақсадида уларни қўлланиш хусусида аниқ тавсиялар берилиши мумкин.

— «Ором» эндигина оёққа турмоқда, — дейди лаборатория мудири, биология фанлари доктори Д. Огай. — Фан билан ишлаб чиқаришнинг бевосита алоқаси ҳозирнинг ўзидаёқ самара бераётгани қувончлидир. Тошкентдаги «Ниҳол» тажриба заводида бизнинг технологиямиз асосида ҳар ойда 15 минг шиша шифобахш сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Технология линиясини тўла ишга тушириш эса, республикани хилма-хил зарур маҳсулотлар билан таъминлаш имконини беради.

— Афсуски, бозор муаммолари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти, бу муаммоларнинг айримларини ўз кучимиз билан ҳал этишга қодир эмасмиз, — деб давом этади лаборатория мудири ташвишланиб. — Ҳатто лабораториянинг микробиология институти биносида қолиши ҳам муаммо бўлиб қолди. Кўп йиллар давомида қийинчилик билан барпо этилган, фойда келтириши амалда исботланган лабораториянинг кўчириб юборилмаслигини истардик.

(ЎзА).

• *Хиссадорлик корхоналарида*

МЕЗОН — ЭҲТИЁЖ

Ҳамроқул Мангбоев Шарғун шаҳридаги 23-ғишт заводининг директори. Олий ўқув юртини тугатгандан сўнг шу ерда ишчи, уста, цех бошлиғи, директор ўринбосари, бош муҳандис бўлиб ишлаган. 1992 йилдан бери жамоа раҳбари. Ёшлигида тўйларда кўп олишган, ҳозир ҳам қайтмайди: гап-сўзларидан полвонлигини осонгина билиб олса бўлади.

Суҳбатимиз эса асосан ишлаб чиқариш ҳақида бўлди.

— Шарғунниг пишиқ ғишти Сурхондарёда энг яхши ҳисобланади. Сабаби нимада?

— Мен вилоятдаги бошқа ҳамкасбларимизнинг меҳнатини мутлақо камситмоқчи эмасман. Қандай лозим бўлса, шундай ишлаяпмиз, яъни технологияга риоя қилаётирмиз. Балки шунинг учун маҳсулотимиз яхшидир.

Заводимиз 71-йилда қурилган. Лойиҳа қувватига кўра йилига 35 млн. дона маҳсулот тайёрланиши керак. Биз эса 25-28 млн. миқдорида ғишт чиқарамиз.

Яқинда корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Асосий восита 1 млн. 291 минг сўмга баҳоланди. Шунинг 49 фоизини жамоа оляпти, 26 фоизи давлатда қолади, 25 фоизи эса эркин сотилади.

— Бу қандай фойда беради?

— Биринчи навбатда ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгаради. Корхона аъзолари ўзининг мулки эканлигини дил-дилдан англайди. Иккинчидан, ишчиларимиз муқаррар равишда фойдадан ўзининг улушини олади. Шунинг учун ҳам унумли ишлашга ҳаракат қилади. Қисқа қилиб айтганда, хўжайинлик ҳисси барқарорлашади.

— Қадриятларимизнинг тикланиши муносабати билан шарқона услубда иморат қилиш кўпайди. Аммо бир томони... ялтироқ ғишт кам...

— Одам қилган ишни одам қилади. Биз ҳам ана шунақасидан олти мингта чиқардик. Аммо унинг меҳнати кўпроқ. Шунинг учун таннархи қимматлашиб кетмоқда.

— Таннархнинг қимматлашуви, менимча, корхонага зиён келтирмайди: пулни харидор тўлайди.

— Эҳтиёж бор экан, биз шундай ғиштларни ишлаб чиқараверамиз. Бундан ташқари, қадимги ёдгорликларни барпо қилишда ишлатиладиган ялатоқ ғиштга талаб катта. Биз уларни ҳам тайёрлай бошлаймиз. Хуллас, хўжалиқ ҳисоби бизга харидорларнинг эҳтиёжи билан ҳисоблашган ҳолда меҳнат қилишни ўргатмоқда.

Суҳбатдош: Тожиддин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

• *«Халқ сўзи» ва бош божхона бошқармаси хабар қилади*

ТАНТИ ЖЎРАХОН

Андижонда тўхтатилган 52-20 ОШЛ номерли КАМАЗда Қирғизистон фуқароси, Ўш вилоятидаги «Деҳқон» кооперативи раиси муовини Муродил Ҳасанов 480 кг. сариёғ олиб кетаётган экан.

У маҳсулотни Марғилон шаҳар давлат таъминоти савдоси идораси раҳбари Жўрахон Хўжаевдан сотиб олган. Юк мусодара этилиб, Марҳамат туманидаги 21-дўконга топширилди. М. Ҳасанов ва Ж. Хўжаев маъмурий жавобгарликка тортилди. Айни пайтда тегишли идорада қўшимча текшириш ишлари олиб борилмоқда.

ПЕГАЙ БОЙВАЧЧАНИНГ ЧУВИ ЧИҚДИ

Қашқадарё вилояти «Облкоопзаготторг»га қарашли туманлараро базаси томонидан Россия Федерациясининг Нижний-Новгород шаҳридаги «Сен-Сен» шахсий корхонасига жўнатилаётган 4 та вагондаги 128 тонна пиёз ҳужжатлари текширилганда, ажаб ҳангомалар аниқланди. Бу юк Қарши шаҳри, 3-микрорайон, 15-уйда истиқомат қилувчи, Қарши шаҳридаги «Беҳбудий» ва Нижний-Новгород шаҳридаги «Сен-Сен» шахсий корхоналари директори Юрий Васильевич Пегайга тегишли экан. Бирйўла икки давлатда хизмат қиладиган бу ишбилармон божхона юк декларациясига (ГТД) юк олувчи Нижний Новгороддаги «Сен-Сен» шахсий корхонаси деб кўрсатиб, аслида юкни Чувашиядаги Ибреси шаҳрига жўнатаётган экан. Қонунга хилоф равишда юборилаётган 211 минг 200 сўмлик 128 тонна пиёз давлат фойдасига мусодара этилди.

ВОҚЕАНИНГ ДАВОМИНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРАСИ АЙТАДИ

Алимкент шаҳридаги 46-автобазага қарашли 12-02 ТШХ номерли автоуловда ҳайдовчи Т. Холиқов 20250 сўмлик 4050 кг унни Тожикистонга олиб кетаётган экан. Ҳайдовчи унни Оққўрғон туманидаги нотаниш кишидан сотиб олганмиш. Юк давлат фойдасига мусодара этилиб, Бўка тумани савдо омборига топширилди. Т. Холиқов эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Воқеанинг давомини Тошкент вилоят прокуратураси айтади.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Косон ёғ-экстракт заводига қарашли «Зирабулоқ» фирмасида таъминотчи бўлиб ишлайдиган Анвар Атаевнинг орзуси амалга ошмади. Қашқадарё вилояти божхона хизмати ходимлари Муборак тумани «Тайёрловсавдо» уюшмаси томонидан Россиянинг Комсомолск Амур шаҳридаги «Рустам» фирмаси номига жўнатилаётган 2 та вагондаги 100 тонна пиёз ҳужжатларни текширишаётганда улар қалбакилиги сезиб қолинди. Қонунга хилоф равишда олиб кетилаётган юк давлат фойдасига мусодара этилиб унинг эгаси А. Атаев маъмурий жавобгарликка тортилди. Айни кунларда вилоят прокуратураси ходимлари қалбаки ҳужжатлар қай усулда ва кимлар томонидан тайёрланганини ўрганишмоқда. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деб бекорга айтишмаганда.



Янгийўлдаги пахтани қайта ишлаш корхонаси жамоаси пахтани чигитдан ажратиб олишда юксак кўрсаткичларга эришмоқда. У бугунги кунда нафақат Янгийўл тумани хўжаликларидан, балки Бўкадаги «Кўкорол» Бўка пахта тайёрлаш омборларидан ва бошқа жамоа хўжаликларидан шартнома асосида пахта қабул қилиб олмоқда. Корхона шу кунгача жами 16 минг 728 тоннадан зиёд пахтани қайта ишлашга эришди. Шунингдек, у тайёрланаётган пахта толаларини хорижий мамлакатларга ҳам сотишни режалаштираяпти.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) Тола сифатини аниқловчи мутахассис Санобар Нишонбоева, таъминотчи Эргаш Раҳимбердиев билан бажарилган ишларни хомчўт қилаяпти. Пастда: пахтани чигитдан ажратувчи мутахассис Алишер Мирзаҳонов. (ўнгда) Қабул пункти. Жўнатишга ҳозирлаб қўйилган пахта толаси намуналарини кўриб турибсиз.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

• *Хабарлар оқимидан*

ЗАВОД ИХТИСОСИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Янгиқўқон химия заводида экологияга жиддий хавф туғдирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўхтатилди. Эндиликда завод экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тўла ихтисослаштирилмоқда. Жумладан бу ерда Қўқоннинг 14-қурилиш трести спирт ишлаб чиқариш заводини бунёд этиш ишларини бошлаб юборди. Тўла қувват билан завод ишга тушгач, бу ерда йилига 1,8 миллион декалитр миқдорида спирт маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Г. САОДАТОВА.

ЮЗ ФОИЗ ГАЗЛАШАДИ

Ўтган 1994 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманининг 42 қишлоғи хонадонларида «зангори олов» порлади.

Туман ҳокимининг ўринбосари Эркин Қўзиевнинг таъкидлашича туманда жами 150 километрлик газ қувурларини ўрнатиш ишлари бажарилган. Бу аҳоли яшаш пунктларининг 85 фоизи газлаштирилди деганидир. Жорий йилнинг ўрталаригача туманда газлаштириш ишлари 100 фоиз бажарилиши режалаштирилган.

Э. НУРБОЕВ.

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАН

Янги 1995 йилнинг охирига бориб «Ўзавтотранс» корпорацияси тизимидаги 196 та корхона давлат мулкидан мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилади. Улар корхоналар умумий сонининг 42,8 фоизини ташкил этади.

Бу тадбир корпорацияда қабул қилинган иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш ва иш самарадорлигини ошириш дастурида кўзда тутилган. Республика автомобилчилари шу тариқа бозор муносабатларига ўтишнинг 1993 йилда бошланган йўлидан дадил одимлар билан бормоқдалар. Шу йиллар давомида Ўзбекистон автотранспортида 140 та очиқ тусдаги акционерлик жамияти, мулкчиликнинг коллектив шаклидаги 6 та корхона, иккита масъулияти чекланган жамият ва битта ижара автокорхонаси пайдо бўлди.

— Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида уни акциялаш афзал кўрилди, бундан кейин ҳам шу йўлдан борилади. Мулкчиликнинг бундай шаклида ҳар бир ходим ўзининг моддий манфаатдорлиги бутун жамоа меҳнати натижасига боғлиқлигини ҳис қилади,— деди корпорация бош иқтисодий бошқармасининг бошлиғи Евгений Червяков.— Акциянинг бир қисми давлатда қолади. Бу эса ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш имкониятини беради. Айни пайтда бозор муносабатларига хос бўлган бошқарувдаги эркинлик сақланиб қолади. Бу йил тармоқ корхоналарида фойдаланилаётган, аммо кам фойда келтираётган автомашиналарни кимошди савдоси орқали сотиш давом эттирилади. Бу йўл амалда ўзини оқлади.

Ислоҳотни чуқурлаштириш дастурида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва янада ривожлантириш муҳим ўрин олган. Бир йилда халқаро маршрутлар бўйича 10 миллион тонна турли юкларни ташиш мўлжалланмоқда. Россиядаги ва МДҲнинг бошқа давлатларидаги шериклар билан йўлга қўйилган алоқалар янада ривожланади, Хитой билан ҳамкорлик давом этади. Жумладан, Тошкент билан ХХРнинг Шинжон-Уйғур мухтор райони маркази — Урумчи шаҳри ўртасида йўловчилар ва юк ташиш жадвалларини тасдиқлаш мўлжалланяпти. Автомобилчилар маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ҳам саёҳат маршрутларини ташкил этишмоқчи.

Кейинги вақтларда автотранспортнинг иши йўловчиларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. 1995 йилда бу соҳадаги ишларни тўғри йўлга қўйиш чоратадбирлари кўзда тутилган. Ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури муаллифлари мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, молия фаолиятини такомиллаштириш, техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва автомашиналарни таъмирлаш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, тарғиб қилиш вазифаларини белгилаб олдилар.

Республика халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби автомобил транспорти ҳам ҳозир қийин кунларни бошидан кечирмоқда. Шунга қарамай корпорация меҳнаткашлари ўтиш даври муаммоларини ҳал қилибгина қолмай, хайрия ва ҳомийлик фаолияти билан ҳам шуғулланишяпти. Автомобилчилар ўзлари оталиққа олган болалар боғчалари ва мактаблар ишини яхшилаш учун кўпгина ишларни қиляптилар. Бу йил кинематографиянинг 100 йиллиги, ўзбек миллий киносининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан «Ўзавтотранс» республика Кинематографиячилар уюшмасига ҳомийлик қилмоқда. Корпорация артистлар, режиссёрлар, операторлар ва кинонинг бошқа ходимларини тақдирлаш учун маблағ ажратди. Ўзбекистон Кинематографиячилар уюшмасининг «Грифон» совринига сазовор бўлганларга корпорация мукофотлари берилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли республика ҳунар-техника билим юрти қуйидаги касблар бўйича пуллик курсларга ўқувчилар қабул қилади.

1. *Ҳисобчи бухгалтер - ўқиш муддати 3 ой*
2. *Аёлларни устки кийимини бичувчи ва тикувчи - ўқиш муддати 3 ой*
3. *Совуткич, кир ювиш машиналари ва чанг ютгичларни тузатувчи - ўқиш муддати 4 ой*
4. *Оёқ кийимларини тикувчи ва тузатувчи - ўқиш муддати 5 ой*
5. *Механик соатларни тузатувчи - ўқиш муддати 4 ой*
6. *Радиоаппаратураларни тузатувчи механик - ўқиш муддати 5 ой*

Машғулотлар 1 февралдан бошланади. Вилоятдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй. 4, 9-трамвайларнинг ҳамда 2, 13, 33, 77 - автобусларнинг "Кўрлар жамияти" бекати.

• *Сарҳисоб*

ДЕҲҚОНЛАРГА ЭРКИНЛИК БЕРИШ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИ

Айни пайтда ҳамма соҳаларда бўлгани каби, қишлоқ хўжалигида ҳам 1994 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янги режалар белгилаб олиняпти. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи муовини Жумабой Қўчқоров билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Ўтган 1994 йил қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида қандай из қолдирди?

— Бизнинг ҳозирги авлод Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланаётган, танлаган йўлидан дадил бораётган тарихий даврда яшаяпти. Бинобарин, 1994 йил халқ хўжалигида иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга қадам қўйилган йил сифатида давлатимиз тарихига ёзилажак. У қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида чуқур из қолдирди, чинакам деҳқон йили бўлди. Чунки ўзбекистон мустақиллигининг 3-йилида Республика Президенти ва ҳукумати қатор муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилдики, улар муваффақиятли амал қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони давлат мулкини хусусийлаштиришни янада жадаллаштириш ва бозор тамойилларининг эркин ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим рол ўйнайди. «Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорлари эса бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва хўжаликларни нодавлат шаклларига айлантириш, маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага шахсий мулк қилиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, деҳқон (фермер) хўжаликларининг фаолиятини йўлга қўйишга кенг имкон очиб берди. Натижада 1009 та давлат хўжалиги негизида 466 та жамоа хўжалиги, 390 та ширкатлар уюшмаси, 116 та ижара ва 37 та бошқа шаклларда иш юритувчи хўжаликлар ташкил этилди. 1516 та чорва фермаси жамоалари хусусий мулк қилиб берилди. 1936 деҳқон фермер хўжаликлари ташкил қилинди, унда 13339 та фермер мустақил фаолият кўрсатмоқда.

Мулкчиликнинг турли шакллари қарор топаётганлиги, фермерларга катта йўл очиб берилаётганлиги, ижарачилик усулларидан кенг фойдаланилаётганлиги, даромад пировардида меҳнат натижасига қараб тақсимланаётганлиги ва бошқа бозор иқтисодига хос ўзгаришлар раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усулига чек қўя бошлади, у иқтисодий усул билан алмашмоқда, ортиқча ва паралель тизимлар тугатилмоқда.

Мулк ва ўзи яратган маҳсулотнинг тўла эгаси бўлиб қолаётган деҳқон, ижарачи энди тепадан берилган буйруқ асосида ишлайдиган мардикор шахсга ўхшаб хўжакўрсин учун меҳнат қилмайди. Энди у ўз ишини ўзи режалаштиради ва ўзи сифатли бажаришдан манфаатдордир. Қолган меҳнатнинг пировард натижасига ҳам ўзи эга бўлишини яхши тушунади. Шунинг учун у фан янгиликларига қизиқади, беҳуда харажатларга йўл қўймайди.

Шундай қулай муҳитда яшаб, меҳнат қилаётган қишлоқ меҳнаткашларининг сафи табора кўпайиши натижасида 1994 йилда айрим иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яхши натижаларга эришди. Маҳсулот ишлаб чиқариш парчаланиб кетган СССРнинг кўп қисмларига ўхшаб камайиб кетмади, балки оз бўлсада кўпайиш жараёни бошланди.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг асосий негизи, мамлакатимизнинг куч-қудрати бўлган пахтачиликда мўл ҳосил етиштирилди.

Ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида ғўза майдони 1993 йилга нисбатан 157 минг гектарга камайтирилган бўлсада давлатга салкам 4 миллион «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлинди. Ҳосилдорлик 0,6 центнердан ошиб, 25,6 центнерга етди. Ҳосилнинг 70 фоизидан ортиғи биринчи навларга қабул қилинди.

Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари пахтакорлари уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар.

Бир томондан об-ҳаво асосий минтақаларда деҳқон учун қулай келган бўлса, иккинчи томондан республика ҳукуматининг пахтачиликка оид иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ечиб бориши, жумладан, нархларни тўғри белгилаб туриши, теримчи ва механик-ҳайдовчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг аҳамияти катта бўлди. Қолаверса, фан янгиликларини кенгроқ жорий этилиши катта самара берди. Масалан, бу йил ерни экишга тайёрлаш олдидан ўғит бериш, чигитни пуштага экиш, эгат ташлаб суғориш каби тадбирлар кенгроқ қўлланилди.

Уруғчиликка, ғўза навларини тўғри жойлаштиришга катта эътибор берилди. Вазирлар Маҳкамаси навларни тўғри жойлаштириш масаласи бўйича махсус қарор қабул қилди ва унинг бажарилишини қаттиқ назоратга олди. Бир хўжаликнинг ўзида бир қанча нав экишга йўл қўймай, кўп ва сифатли тола чиқадиган тезпишар ғўза навлари майдони кенгайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қарорига кўра 1995 йилда ғўза майдони республика бўйича 38 минг гектарга қисқартирилиб, 1 млн. 500 минг гектар, ялпи пахта ҳосили эса 4 млн. тонна қилиб белгиланган. Бунга эришиш учун ҳосилдорликни 26,6 центнерга етказиш ёки 1994 йилга нисбатан 1 центнер ошириш лозим. Шуни кўзда тутиб, айни дамларда далаларда кузги-қишки ишлар жадал олиб борилмоқда. Қулай муддатларда 1 миллион 742 минг гектар майдон шудгор қилиб қўйилди. Бу эса 1993 йилга нисбатан икки марта кўпдир. Ҳозирга қадар 117 минг гектар ернинг шўри ювилди. Маҳаллий ўғит чиқаришга эътибор кучайтирилмоқда. Бўлажак ҳосил учун 688 минг тонна азотли, 234 минг тонна фосфорли ўғит хўжалик омборларига келтириб қўйилди.

— Юртимизнинг мустақилликка эришуви, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар экин майдонларини белгилашда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Ғаллачиликни ривожлантиришга кенг йўл очилди. Бу борада амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталсангиз.

— 1994 йилни ғаллакорларимиз салмоқли ютуқлар билан якунладилар. 2 миллион тоннага яқин бошоқли дон етиштирилди. Республика аҳолисини нонга ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш яъни ғалла мустақиллиги сари катта одим ташланди.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг дон маҳсулотига бўлган талаби 3,8 - 4 миллион тоннадир. Узоқ йиллар мобайнида ўзимизда етиштирилган дон аҳоли талабини 20-30 фоиз қондириб келган. Чунки ялпи суғориладиган ерларнинг 65-70 фоизига пахта экишга мажбур эдик. Бошоқли дон эса суғориладиган ерларнинг атиги 4-5 фоизига экиларди.

Мустақил республикамиз ҳукумати иқтисодимизга зарар етказаётган бу номутаносибликка чек қўйди. Фақат кейинги икки йил ичида суғориладиган ерларда буғдой ва арпанинг экинлар тизимидаги салмоғи 11 фоиздан 26 фоизга етди. Пахта майдони 52 фоиздан 45 фоизга камайтирилди. Алмашлаб экиш учун кенг йўл очилди. Давлатга 1 миллион 105 минг тонна ёки 1993 йилга нисбатан 1,8 марта кўп дон сотилди. Ғалладан бўшаган кўп майдонларга ёзнинг иккинчи ярмида маккажўхори, сабзавот, полиз, картошка, жанубий вилоятларда эса пахта ҳам экиб, бир даладан икки марта ҳосил олина бошланди. Балиқчи туман хўжаликларида, масалан, буғдой ўрнига июнда экилган шолининг ҳар гектаридан 30 центнердан, картошкадан - 200, июлда экилган мошдан - 20, сабзидан 150, шолғом ва турпдан 120 центнердан ҳосил олинди. Буғдой ва унинг ўрнига такрорий экин экилганда пахта экилганига нисбатан 2,5-4 марта кўп даромад олинди.

Бўз, Учқўрғон, Балиқчи, Наманган, Норин, Боғдод, Олтиариқ, Жомбой, Оқдарё ва бошқа кўп туман хўжаликлари ҳар гектар ердан 40-50 центнердан дон ҳосили олдилар. Бу рақамлар ғаллачиликда улкан имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995-1996 йиллар ҳосили учун экин майдонларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. 1996 йилда бошоқли дон майдонларини суғориладиган ерларда 1 милион 300 минг гектарга етказиш белгиланди.

Мамлакатимиз яқин йиллар ичида халқимизни ўз юртимизда етиштирилган дон билан тўла таъминлаб, ғалла мустақиллигига эришишига шубҳа йўқ. Ҳозир республикамизнинг ғаллазор далаларида тўлиқ кўчат ундириб олинди. Уларнинг ривожланиши ўтган йилгига нисбатан анча яхши.

— Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқларда саноат корхоналарини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга оид қарорлари ҳаётга тадбиқ этиляптими?

— Қишлоқ хўжалик вазирлиги вилоятларнинг деҳқончилик саноати уюшмалари ва хўжаликлар билан ҳамкорликда қишлоқ жойларда янги иш ўринлари очиш, янги очилган саноат корхоналарида халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида анчагина ишларни амалга оширди. Ҳозирги кунда вазирлигимизга қарашли хўжаликлардаги ёрдамчи саноат корхоналари ва ҳунармандчилик устахоналарининг умумий сони 11 мингтага, уларда меҳнат қилаётган ишчилар сони 83 минг кишига етди. Шу йилнинг ўзида 1520 та янги ёрдамчи саноат корхоналари ва ҳунармандчилик устахоналари ташкил этилиб, 7000 киши ишга жалб қилинди.

1994 йилда хўжаликлардаги ёрдамчи саноат корхоналарида 120 млн. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллининг турлари 700 тадан ошиб кетди.

Хўжаликларда ёрдамчи саноат корхоналари ташкил этиш ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида вилоятлар билан ҳамкорликда тузилган тадбирларга мувофиқ 1995 йилда ёрдамчи саноат корхоналари ва ҳунармандчилик устахоналарининг умумий сонини 13500 тага ва уларда ишловчи кишилар 90 мингга етказилди.

— Вазирлик тизимидаги хўжаликларнинг чет эл фирмалари билан ҳамкорлиги кенгайяптими?

— Ёзёвон тумани хўжаликлари Буюк Британиянинг «Мередит Джоунс» фирмаси билан қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашда замонавий технологияни қўллаш бўйича қўшма корхона очиш учун керакли ҳужжатлар тайёрланди. Қорақалпоғистон Республикаси билан Германиянинг «ПЕТКУС» фирмаси ўртасида беда уруғини тозалаш ва дунё бозорига чиқариш мақсадида алоқа боғланиб, қўшма корхона тузиш борасида музокаралар олиб борилмоқда. Республикамиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш учун Швейцариянинг «СИБА» фирмаси аввалги йилдагидек кредит йўли билан доридармонлар етказиб бермоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса, мева-сабзавотларни, гўшт, сут, пилла ва жунни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришда замонавий технология ва асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан Германиянинг «Ферросталь», Франциянинг «СФДТ», Туркиянинг «Молино», Австриянинг «Интерконсульт» фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

АҚШнинг Халқаро ҳамкорлик маркази (ЮСАИД), Исроил ташқи ишлар вазирлигининг «МАШАВ» Халқаро кооперация бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида имзоланган келишувга биноан Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида ва Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ҳиссадорлик уюшмасида амалий ишга киришилди.

Ўтган давр ичида Андижон вилоятининг «Адолат» фирмаси билан АҚШнинг «Агроресурс» фирмаси ўртасида қўшма корхона тузиш бўйича таъсис ҳужжатлари тайёрланди.

Европа иқтисодий ҳамжамияти «Тасис» дастури бўйича Фарғона ва Сирдарё вилоятларида шахсий фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатиш мақсадида Франция мутахассислари 3 йилга ваколатхоналарини очдилар ва дастур устида амалий иш бошладилар.

Мамлакатимиз фуқароларининг учдан икки қисми қишлоқда яшайди. Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш деҳқончиликка боғлиқ эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу тармоққа бўлган диққат-эътибор доимо устивор бўлмоғи лозим. «Модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур», деган эди юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида.

Вазирлигимиз 1994 йил натижаларини таҳлил қилиб, 1995 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилар экан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, тармоқ ходимларининг моддий манфаатдорлиги ва эркинлигини изчил таъминлаб бориш, мулкчиликнинг турли шаклларига кенг йўл очиш асосида пахта, ғалла, сабзавот; мева, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.

• *Ислоҳот одимлари*

ИШСИЗЛАР КАМАЙМОҚДА

КАСБИ туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа-ширкат хўжалигида тадбиркорликни кенгайтириш йўли билан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилиб, янги иш ўринлари очмоқда.

Қамаши қишлоғида гилам тўқиш, кийим-кечак тикиш цехлари иш бошлаганига анча бўлди. Қишлоққа туташ жойда ғишт заводи қурилди.

Қишлоқ тадбиркорлари аҳолининг талабини ҳисобга олиб яқинда макарон цехи қуриб, ишга туширдилар. Яқин кунлар ичида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва цехини ишга тушириш тараддуди кўриляпти.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАСИ

Термиз туманидаги «Турон» кичик корхонаси кунига 10 га яқин гилам ишлаб чиқармоқда. Туркиядан келтирилган дастгоҳларда тўқилаётган гиламларнинг сифати яхши. Нархи ҳам харидорни чўчитмайди.

— Корхонамизда тўқилаётган маҳсулот миқдорини янада кўпайтириш учун хомашё етишмаслиги оёғимиздан тортаётган эди. Яқинда Шимолий Кавказдаги Минводы, Пятигорск шаҳарларидан ип йигирув машиналарини сотиб олдик. Энди ипни ҳам ўзимиз йигирамиз. Ота-боболаримизнинг «Ҳаракатда — баракат» деган доно нақлига амал қилиб ишлаяпмиз,— дейди кичик корхона раҳбари Пўлат Алпомишев.

(ЎзА).

Ташкилот Тошкентдаги омборхонасидан "Райфл" фирмасининг шимларини,

чет элдан келтирилган "Деним" матосидан тикилган юбкалар, болалар ва ўсмирлар шимларини, шунингдек медицина халатлари, аёлларнинг иш халатларини, эркакларнинг ип ва жун газламадан тикилган шимларини ва бошқа тикув маҳсулотларини сотади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

телефон 58-39-48
факс 58-06-79

• *Ганчкорлик*

ДУНЁ ТАНИГАН УСТА

Дунёда савоб ишнинг, эзгуликнинг кўриниши турлича бўлади. Биров ариқ қазиб сув келтирса, бошқа бир одам кўприк қуради. Яна бирови келажак авлодни тарбиялайди, ҳунар ўргатади.



Ўзбекистон меъморчилигининг устоз вакилларидан бири, республика халқ рассоми, давлат мукофоти лауреати Маҳмуджон Усмонов ўзбек ганчкорлик санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган, юздан зиёд шогирдларни тарбиялаб вояга етказган кишилардан.

Маҳмуджон акани нафақат республикамизда, балки қўшни жумҳуриятларда ҳам яхши танишади. Бу инсон ўзининг сермазмун умри давомида ганчкорлик мактабига асос солди, ана шу мактабда қанчадан-қанча шогирдларга устозлик меҳрини бағишлади.

Айни дамда пойтахтимизнинг қай бир салобатли биноларига кўзингиз тушмасин, А. Навоий театрими, Халқлар дўстлиги саройими, Ўзбекистон тарих музейими, «Зарафшон» ресторанимми — эҳе, айтаверсак адоғи кўринмайди, хуллас, шу биноларнинг ҳаммасига уста Маҳмуджон Усмонов, юксак салоҳиятли, нафис ганч-ўймакорлиги ҳунарини ишга солиб ишлов берган. Бу сингари биноларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки, Жиззах, Самарқанд, Андижон вилоятларида, шунингдек МДҲ мамлакатларида, Москвада, Сочидаги дам олиш санаторийси, Украина, Донецк ва яна бир қатор шаҳарларда ҳам учратиш мумкин. Устанинг шогирдлари эса, айни кунларда Малайзия Республикасида иш олиб бормоқда.

Маҳмуджон аканинг ганчкорлик сирларини чуқур ўрганиб, таниқли уста бўлишларида, раҳматли Усмон Икромов (устанинг отаси), тошойналарга ишлов беришда машҳур уста Ширин Муродовнинг хизматлари беқиёс бўлган. Эсини энди-энди таний бошлаган ёш Маҳмуджон бу усталар билан доимо бирга, уларнинг бирор буюмга ёки биноларга бераётган ишловини қизиқсиниб томоша қилар, кўнглида бу касбга нисбатан ҳавас уйғонарди. Бора-бора ҳавас, орзуга айланди. Мурод ҳосил бўлди ҳам. Уста ўз устозларидан ганчкорлик сирларини мукаммал ўзлаштириб олганидан сўнг қатор йиллар давомида шаҳримиздаги пионерлар саройида шу тўгаракка бошқош бўлди, худди шу ердан шогирдлар тайёрлаб бора бошлади. Мана, бугунги кунда ўша шогирдларидан бир қанчаси уста билан ҳамнафас, ҳамқадамдир. Шундан сўнг Маҳмуджон ака меҳнат фаолиятини Керамика заводида давом эттирди. Янги жамоада ҳам, бир қанча шогирдлар тайёрлади. Ганчкорлик, меъморчилик сирларини чуқур ўрганишларида уларга яқиндан ёрдам берди.

Уста Маҳмуджон Усмоновнинг хайрли ишларидан яна бири, шаҳримиздаги ҳамма усталар учун «Усто» ишлабчиқариш бирлашмасини ташкил этганидир. Айни кунда бу масканда юздан зиёд уста меҳнат қилади. Бу бирлашма директори ҳам устанинг энг яқин шогирдларидан бири.

Шу кунларда уста Маҳмуджон Усмонов ўзининг қутлуғ 85 ёшлик тўйини кенг нишонламоқда. Саксон беш йил, айтишга осон ана шу йиллар давомида уста қанчадан-қанча маъмурий биноларга миллий безакларда ишлов бермади, юздан ортиқ шогирдларни тарбиялаб вояга етказмади, дейсиз. Шундай юксак, аъло даражадаги хизматлари учун уста давлатимиз томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми, Халқлар дўстлиги ордени, яна бир қанча медал ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Халқимиз от изидан той борар, деганидек, устанинг ўғиллари ҳам оталари касбини давом эттиришмоқда.

— Отам ўз шогирдларига нисбатан ниҳоятда қаттиққўл, талабчан устоз, — дейди Мирвоҳид Усмонов — Доимо, устознинг ачитганини кўтарган шогирд уста бўлади, деб таъкидлаб айтади. Менинг ганчкор уста бўлишимда ҳам устозим, яъни отам сабабчи бўлган. Бу бизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб, ўғилларим ҳам шу анъанага содиқ қолишмоқда. Мана, бугунги кунда саксон беш ёшни қаршилаётган отамни шогирдлари ҳар куни кўнгил сўраб, зиёрат қилиб туришади. Бирор маъмурий бинога ишлов бермоқчи бўлсалар, албатта дуо-фотиҳаларсиз ишни бошламайдилар.

Ҳа, бугун қарилик гаштини сураётган уста Маҳмуджон Усмонов юздан зиёд невара-чеваралари, икки юздан ортиқ шогирдлари ардоғида. Шундай бўлса-да, уста тинибтинчимайди. Шогирдларига билмаганларини ўргатади, улар ишлов бераётган биноларни бориб кўриб, устоз сифатида баҳо беради.

Шу қутлуғ кунда биз ҳам уста Маҳмуджон Усмоновни таваллуд кунлари билан қизғин қутлаб, хонадонларига файз, қут-барака, ўзларига сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Файзулла БОБО ДЎСТ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

КАЛАМУШЛАР ТИНЧ ҚЎЯРМИКАН...

Перм вилоятининг Пентюрино қишлоғида истиқомат қилувчи Носковлар хонадонига каламушлар ҳужум қилди.

Аввалига кемирувчилар ёшига етаётган чақалоқни ва унинг икки ёшли опасини, эртасига эса учинчи болани тишлаб ташлашди. Жабрланган уч боланинг 20 ёшли ота-онаси зўлик билан туман марказидан ўзларига ажратилган шинам, барча қулайликлари бўлган квартирага кўчиб ўтишди. Туман раҳбарларининг айтишига қараганда, бу ерда ҳам уларни каламушлар тинч қўйишмаса керак.

Боиси, улар тозаликка эмас, спиртли ичимликларга ружу қўйишган экан.

ОТАСИ ҲАМ, ОНАСИ ҲАМ ЎЗИ

Шадринсклик (Қурган вилояти) Т. исмли йигитга «қийналиб туғди» деб нафақа пули беришди.

Гап шундаки, унинг хотини ўзлари яшаб турган жойдан рўйхатдан ўтмаганди. Шу боис, аёлни туғруқхонада ўз фамилиясида эмас, эрининг исми-шарифида қабул қилишди. Касаллик варақасини ҳам эрининг номига ёзишди. Энди чақалоқнинг онаси эмас отаси болали аёлларга бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадиган бўлди.

МУРДАНИ КЎЧАДА ҚОЛДИРИБ

Мурдахона жарроҳи асбобларини шайлаб навбатдаги майитни ёриш учун унинг устидан чойшабни олди-ю, ҳангманг бўлиб қолди.

Чунки, у бу мурдани бир неча кун илгари ёриб, омон қолган қисмини эгаларига дафн қилиш учун ўраб-чирмаб берганди-да. Кўмиш маросимида қатнашганлар марҳумни хотирлаб қиттак-қиттакдан кўпроқ отишиб, уни ерга топшириш хаёлларидан кўтарилиб кетган экан. Ўтиб кетаётган йўловчи мурдахона навбатчисига «Победилова посёлкаси қабристонида биров ўлиб ётибди», деб кўнгироқ қилгандан сўнг, чаққон хизматчилар уни яна мурдахонага келтиришган экан.

ИТЛАР МЕҲМОНХОНАСИ ИЛК МИЖОЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Челябинскда дайди итлар учун меҳмонхона қурилди.

«Актис» фирмаси (ходимларнинг барчаси ашаддий ит ишқибозлари) йўқолган ҳайвонлар маълум муддат яхши яшасин деб дурустгина шароит яратишди. Бироқ қанча уринишмасин уларнинг бирортасиниям эгасини топишолмади.

БЕЗОРИ — КАМПИР ЭКАН

Ижевсклик шўх кампир «02»га қўнғироқ қилиб, «Аврора» кинотеатри биносига портловчи модда қўйилгани ҳақида ёлғон хабар айтгани туфайли ушланди.

Қариб қуюлмаган безори милицияга келтирилди. Энди бу ишни суд кўриб чиқади. Мабодо, суд ҳазилкаш кампирга шафқат қилмайдиган бўлса, у 2 миллион рубл жарима тўлайди.

РОСТДАНАМ ЎҒРИНИНГ КЎЗЛАРИ ОЖИЗ ЭДИ

Березник шаҳрининг 16 ёшли, кўзи ожиз фуқароси Андрей Храбтов умрининг уч йилини қамоқда ўтказадиган бўлди.

Боиси, у илгари ҳам гарчи кўзлари кўрмасада, 11 марта квартираларни ялангочлаш ниятида ўғирликка тушган. Ота-онаси ва акаси уни ўз ҳолига ташлаб қўйишгач, Андрей яшашнинг янгича йўли — уйларни ўмаришга мослашди.

ОТ ОДАМ ЭМАС

Буюк Британияда уч карра миллий биринчилик ғолиби бўлган Ред Рам исмли отнинг 30 йиллик юбилейи нишонланди.

Мамлакатнинг турли бурчакларидан юбиляр номига 300 дан зиёд табрикномалар келди. Ҳатто, бир мухлис Ред Рамга гулдаста юборди. Кўпчилик ишқибозлар эса отнинг ҳозирги аҳволидан хабар олиш ниятида отхонага келишди. Лекин, отга хайрия қилишни ҳам унутишмади.

• *Юзма-юз*

ИЛОНЛАРНИ ТУШ КЎРАДИГАН ОДАМ

Қизилчада Норбек деган одам яшайди. Аслида, қишлоқда беш-олти минг одам истиқомат қилади. Норбек деганиям кўп... Лекин қизилчалик, Норбек деган, бунинг устига илон овлайдигани йўқ. Биз шунинг учун атай урғу беряпмиз.

Қизилча Нурота тизма тоғларининг бошланиш қисмида, шундоғ тоғ биқинида жойлашган. Олисдан қарасангиз пастак-пастак деворларини ёмғир ювган кўримсиз қишлоқни виқорли тоғ опичлаб ётганга ўхшайди. Барча тоғликларга хос хусусиятлар қизилчаликлар табиатига ҳам бегона эмас. Содда, тўпори, чапани одамларини бир-биридан фарқлаш қийин. Тоғ одамлари ниҳоятда ориятли бўладилар. Бундан анча йиллар илгари, Қизилчага туман марказидан фотомухбир ташриф буюрди. Ва қишлоқнинг энг машҳур қўйчивони билан учрашиш нияти борлигини билдиради. Мухбирни совхоз раҳбарлари олис чўпон ўтовларига бошлаб боради. Табиийки, мухбир чўпоннинг ўй-хаёли, ташвишлари билан қизиқади. Ҳамда «бирор нарсага яраб қолар» деб чўпоннинг рафиқасини ҳам суратга олади. Мухбир ўша куни яқин орадаги кўплаб чўпон овулларида меҳмон бўлади. Ён дафтарчасини тўлдириб қайдлар, исм-фамилиялар ёзади... Шовшув эса Қизилчада бир ойлар чамаси вақт ўтгач содир бўлади. Туман газетасининг биринчи бетида биз биладиган (атай исм-фамилиясини келтирмадик) чўпон рафиқасининг сурати босилади. Унга ёзилган тагсўзда эса суратдаги аёл қўшни отар чўпоннинг рафиқаси, деб нотўғри маълумот беради. Буни гарчи қизилчаликлар анча пайт сақич қилиб чайнаган бўлсаларда айбга йўймади. «Мухбир адашибди», деб қўйишди. Лекин чўпоннинг орияти кучли экан. Уйни ташлаб кетворди. Олтмишдан ошган одам... Қариндош-уруғ, совхоз раҳбарлари, ҳатто туман бошлиқлари ҳам уларни яраштиришга уриниб кўришди... Мухбир ишдан ҳайдалди. Лекин у ҳамон айро яшармиш. «Ўлигимни оормасанглар ўзимни оборолмайсанлар» дермиш... Ҳа, тоғликлар ғалати бўладилар. Ташқаридан борган одам уларнинг ҳаракатларини тўғри қабул қилолмаслиги мумкин.

Тоғда бодомдан бошқа дарахт деярли учрамайди. Булоқлар ҳам жуда сийрак. Ён томони тик қоялардан иборат камарларга кириб бораверган сари одам юрагида сингилгина қўрқув пайдо бўлади. Ойнадай силлиқ, кўёш нурида пичоқ дамидай йилтираб турган қоялар ҳудди устингга қулаб кетадигандай хавотирланаверасан...

— Бу ерларда илон жуда кўп, — дейди Норбек Тулкиев. — Айниқса, Саратонда шундай кўбаяди-ки, оёқ босишга қўрқасан.

— Қанақангилари эса кўпроқ учрайди?

— Ўқжилон дегани бўлади, қумжилон, кўржилон...

— Улар фанда қандай аталишини биласизми?

— Йўқ. Бизда шудай дейилади ишқилиб...

— Қишлоқда Норбек, деб гап бошласангиз одамлар нега, «Жилонбозма», деб қўяди?

— Қишлоқ кичкина. Буни устига ғалати одатлар бор. Биров бир улиғ, масалан, Илҳом, деб от қўйса, тамом, кийин бирдан шу отди қўйиб қолади. Шундай бугондан кийин...

— Сиз лақабдан хафа бўлмайсизми?

— Йўқ.

— Терини тескари қиладиган қандай лақаблар бор, масалан...

— Айтиб эртага бошим балога қолади. Қўй сўрама.

— Неча йилдан бери илон овлайсиз?

— Эслай олмайман. Энди оёғим чиққан пайтларда ҳовлидан уйга жилонди ўлигини судраб кирган экан-ман... Отам бечора урган экан шунда...

— Умуман илон овлаб, бойиб кетиш мумкинми?

— Мумкин бўса керак-да. Тошкентлик бир жўрам сен сал «шустироқ» бўлсанг, аллақачон миллионер бўп кетардинг дийди-ку ишқилиб.

— Энг қиммат илон қайси? Қанақаларини кўпроқ ушлайсиз?

— Кўлбор қиммат туради. Ишқимиз шунга тушган. Ундан кейин... бошқалари унчалик эмас.

— Тахминан қанчага пулласа бўлади битта кўлборни.

— Аниқ айтаммайман. Лекин шу қишлоқлиқ бир бола биттасини бир мотоциклга берганини эшитганим бор.

— Сиз-чи?

— Аниқ нархи йўқ. Баъзида текинам бериб жураман.

— Нега?

— Касал-пасал бўлади. Таниб-билиб бермасанг... инсофдан эмас-ку. Кейин одам уяладиям-да. Мен жилонди ўзим ясаётганим жўқ-ку... У худонинг бир маҳлуғи. Шунғаям таъмагирлик қилсанг... уят-да.

— Унда овдан нима фойда, ака?

— Ким билади... Қизиқсам керакда... Лекин бир вақтлар шуни орқасидан 4-5 сўм пулам кеп қолади. Кейин савоб ҳам яхши нарса ука, агар билсанг.

— Илонни қандай тутасиз.

— Кўлим билан ушлайман-да қопга тиқавераман...

— Йўғ-е...

— Ишонмасанг ҳам хафа бўлмайман ука, лекин...

— Мен эса сизнинг махсус асбобларингиз бор, деб эшитгандим...

— Йўқ.

— Кўл билан ушлаш барибир... қўрқинчли-да.

— Нимаси қўрқинчли?

— Илоннинг туси... совуқда.

— Тўғри.

— Кўлни энди чўзганингизда ташланиб қолса...

— Ташланолмай қолади.

— Қанақасига?

— Мана, масалан мана буни жилон деб ўйла. Жилонди агар говдаси чап томонга бурилиб турғон бўса боши ҳамиша ўнгда бўлади. Ва билки жилон бундай пайтда ҳар доим чапга ташланади. Ўнгга ташланиш учун говдани ўнгга олиб ўтиш керак бўлади. Мен эса бундай пайтда ўнг томондан бориб гиппа бўйнидан оламан...

— Одам барибир муғомбирда-а?

— Шундай бўлса, керак... Нега, ундай дияпсан?

— У ҳамма нарсани алдашга қодир, демоқчиман.

— Ҳа...

— Илондан қўрққан вақтларингиз ҳам бўлганми?

— Бўғон. Бурноғи жили тиромо (куз) бошида тонг саҳарда жўлға отландим. Ўзингам биладиган шу шаршарани сойи минам жоғалаб (ёқалаб демоқчи) боряпман. Кўлимда фонар бор. Кун энди ёришаяпти. Сувди оралаб норғи томонга ўтаман, десам шундай сойди жоғасидаги жоқсоқ (ялалоқ) тошди устида қўлбор кулча бўлиб жотипти. Холта, фонар-манаримди жерга қўйиб, енди қўлимди чўзғонимди биламан, сонимга чалп этказиб бир нарса ташланди... Кўрмасдан иккинчисининг думидан босиб олибман. Ҳалиям болиқчиларди етигидан кийиб олган эканман, тиши тойиб кетди. Кейин қочдим.

— Йўғ-э.

— Э, анча жергача қувиб борди.

— Умуман шу ишни йиғиштириб қўйсангиз бўлмайдими?

— Ҳаракат қилиб кўрдим, бўлмади. Анча пайт ўзимни алдаб юрдим. Охири тушларимгаям кирадиган бўлди.

— Бунга ўзингиз киришдингизми ёки биров...

— Хотинди гапига киргандик. Бир куни овдан кеч тушганда қайтдим. Қопда учта жилон бор эди. Молхонага ғафасга солай десам, қоп-қоронғу. Ке, эрталабгача шу ерда турсин деб, қопи билан айвонга илиб қўйдим. Эрталаб хотин айвонга чиқиб қараса, қопди тешигидан жилон калласини чиқариб вишиллаб турганмиш... Э тоза жанжал бўлди. «Шу ишди қўймасагиз кетаман» деди...

— Кейин қўйдингизми?

— Айтдим-ку бўмади деп.

— Чечам-чи?..

— Чечанг қаяққаям борайди. Журипти тақдирига тан бериб...

— Шу ишларга ўралашиб юришингиз менга барибир эриш туюлаяптида...

— Энди ука, ҳаммани ҳаваси бўлади бу дунёда. Мана сен ёзасан. Масалан, ҳеч ким мажбурламасаям ёзасан, туврима? Нуротада бир одам бор. Ёши етмишга яқинлашган лекин ҳалиям каптар ўйнайди. Одамларди айтишича, чопонининг бир қўнжига набирасини, иккинчисига каптарни солиб юраркан... бунга нима дийсан...

— Газета ўқиб турасизми?

— Олдинлари ҳар куни олиб ўқиб турардик. Ҳозир...

— «Халқ сўзи»ни биласизми?

— Бўлмасамчи!

— Ўқувчиларга қандай тилакларингизни етказишимни сўрайсиз?

— Ҳаммалари соғ бўлсинлар!

«Халқ сўзи» мухбири Ўрол СОДИҚ суҳбатлашди.

• *Амир Темур абадияти*

СОҲИБҚИРОННИ УЛУҒЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, шубҳасиз, халқимиз шаънини юксакка кўтариш, азалий қадриятларини улуғлаш борасида тарихий қадамни бошлаб беради. Зеро, ўз ўзанини топиш учун интилган жўшқин дарёни хас-хашаклар билан тўсиб бўлмаганидек, буюк бобокалонимиз Амир Темурга авлодлари ҳурмат-эътирофини ҳам кишанда сақлаб бўлмасди. Улуғ аждодимизни таниш бахтини бизга Мустақиллик ҳадя этди. Ўлкамизда жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш турли шакл ва усулларда қизғин давом этмоқда.

Қарши шаҳридаги ўзбек-турк лицейида бўлиб ўтган кўргазмали «Буюк Темур сабоғи» дарси ўзининг ноанъанавийлиги билан ажралиб турди. Мактаб ҳаётида такрорланавериб сийқаси чиққан бир хил тартиблардан воз кечилган мазкур тақсилда техника воситалари, кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланилди, театрлаштирилган саҳналарга кенг ўрин берилди.

Дарс муаллифи — Шарофат Зоҳидова ижодкорлиги ва янгиликка интилувчанлиги билан воҳада яхши таниш. У бир неча марта вилоят ва республика бўйича ўтказилган «Энг яхши ўқитувчи» танловининг иштирокчиси, яхшигина шеърлар ёзади.

Шуниси диққатга моликки, 7-синфда ўтказилган бу дарсда маърузалар, монологлар, шеърлар ўзбек, инглиз, турк тилларида янгради. Унинг эсда қоладиган жиҳатлари жуда кўп. Соҳибқирон ҳаётига, «Темур тузуклари» «Темурнома» каби асарлар, бобомиз меросини халққа етказиш йўлида хавф-хатардан қўрқмай кўплаб савоб ишлар қилган Алихонтўра Соғуний ҳақидаги маърузалар, шеърий чиқишлар тугагач, ўтмиш либосидаги 20 нафар ўқувчи—сарой аъёнлари даврасига Амир Темур (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Амирқулов) кириб келади. Соҳибқироннинг пайдо бўлиши юракларда жўшқин ҳаяжон қўзғаган бўлса, унинг «Биз ким...» дея бошлаган хитобида ўқувчиларнинг «Соҳиби мулки Турон, амири Туркистонмиз» дея жўр бўлишидан ифтихор ёшлари дийдаларга қалқиб чиқади.

Дарсни тайёрлашда лицей мудири Исмоил Сариташ, илмий мудирлар Ҳусайн Чилибей ва Тилло Қўлдошев ташаббускор ўқитувчи Шарофат Зоҳидовага яқиндан ёрдам бердилар. Бундай тадбир воҳадаги кўплаб ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида бўлиб ўтмоқда.

Ҳ.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• *Китоблар оламида*

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

Қорақалпоқ тилини қандай ўқитиш керак?

Бу саволга яқинда «Билим» нашриётида 2000 нусхада босилиб чиққан Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтининг «Ҳозирги қорақалпоқ тили» кафедрасининг муаллими Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рисгул Хусниддинованинг «Она тили дарсларига методик кўрсатмалар» номли китобидан аниқ жавоб олса бўлади.

Халқ таълими соҳасида 30 йилга яқин хизмат қилиб, ўзининг меҳнаткашлиги ва талабчанлиги билан кўпчиликка яхши таниш бўлган устознинг бу китоби қорақалпоқ тилини мактабларда ўқитиш ишларини янада яхшилаш йўлларини тавсия этган. Унда миллий мактабларнинг 5-синфида она тилини ўқитиш бўйича услубий кўрсатмалар берилган. Бу китобни муаллиф ўзининг кўп йиллик педагогик бой тажрибаси асосида ёзган.

«Методик кўрсатмалар»да ҳар бир мавзунинг мақсади, вазифаси кўргазмали қуролдан фойдаланиб, дарснинг бориши чуқур таҳлил этиб тушунтирилган. Шунингдек, унда она тилини ўқитишни яхшилаш йўллари ҳақида ҳар тарафлама кўрсатмалар берилган.

Н. РЕЙПНАЗАРОВ.

• *Қадриятларимиз*

НЕЪМАТЛАРНИНГ СУЛТОНИ

Қадимги Миср донишмандларидан бири... «Сиз дунёдаги барча неъматлар ичида нимани юқори баҳолайсиз?» деган саволга. «Мен донинонни юқори баҳолайман. Нон — барча неъматларнинг султони»,— деб, жавоб берган экан. Дарҳақиқат, ризқ-рўзимиз ичида энг улуғи: энг мўтабари нон. У кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқатимизнинг 20 фоизга яқинини ташкил этади.

Қадимда вояга етган мисрлик қизларга совчи келганида, аввало, йигит касбини сўраганлар. Агар у ғаллакор, деҳқон ёки новвой бўлса, уни дарров қуёв қилганлар.

Мирзо Улуғбек Самарқанд атрофида юрганида йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолади-да, шу он отдан тушиб, уни қўйнига солади. Унинг ёнидагилардан бири: «Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз?» деб сўраганда, Мирзо Улуғбек: «Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан ҳурматсизлигим бўларди. Нон олдида менинг подшолигим, мартабам ҳеч-дир»,— деб жавоб қайтарган эканлар.

Нонни ёзишга арзигудек тарихи ҳам бор.

Қадимги замонда галла сувда ювитилиб, тўғридан-тўғри хомлигича истеъмол қилинган. Сўнгра, тош кели ихтиро этилгач, донни туйиш бошланган, ҳосил бўлган ундан қулчалар пиширилган. Шундай қилиб, инсон учун энг зарур бўлган таомнон пайдо бўлган.

Ҳамирдан нон тайёрлаш усули илк бор Мисрда бошланган, деб таҳмин қилинади.

Абу Али ибн Сино нон ҳақида бундай деган: «Нон тузли, хамири яхши қилинган, тандирда яхши пиширилган бўлиши ва бир кеча тўхталиб ейилиши керак».

Иссиқ нонни киши табиати хуш кўрса-да, уни иссиқлигида ейиш яхши эмас. Буни замонавий медицина ҳам таъкидлайди. Янги пиширилган нон меъда функциясини бирдан ошириб юборади. Меъда ости безининг ўт (сафро) ажратишни кучайтиради, меъдада оғирлик сезилади, киши безовта бўлади. Баъзан соғлом кишиларда ҳам, халқ ибораси билан айтганда, «Жиғилдонни қайнатади». Шунинг учун ҳам меъда касалликларида — гастритда, меъда ва ўн икки бармоқ касалликларида, ичак ярасида, сурункали панкреатит, холецистит кабиларда иссиқ нон емаган маъқул.

Қотган нон эса ҳаммага фойдали, тез ҳазм бўлади.

Нон кўнгилга урмайди. Чунки, нондаги оқсиллар таркибида лизин аминокислотаси озроқ, шунинг учун нон сут билан ейилса, ёки сутга қориб пиширилса янада тўйимли бўлади.

Нон таркибида углеводлар, ёғлар, дармон-дори (В гуруҳи), минерал моддалар — калий, фосфор, темир ва бошқа моддалар бўлади. Нондаги хўжайралар ичак ҳаракатланишини кучайтиради ва шу билан овқат массасини меъда — ичак йўлидан тезроқ ўтишини таъминлайди. Шунингдек, танадаги ортиқча холестеринни чиқариб юборишга ёрдам беради.

Ориқлашни истаган одамларга ловия унидан тайёрланган нон тавсия этилади. Унинг таркибида 16 фоизга яқин углевод бор. Биз истеъмол қиладиган нонларда эса, углевод миқдори 50 фоиз.

Ўтган йилларда жуда кўплаб нон исрофгарчилигига йўл қўйилди. Нонни қўй-молларга бериш ҳоллари рўй берди. Ортиб қолган нонлар ахлат хоналарга ташланди. Ваҳоланки, ота-боболаримиз бундай ҳурматсизликларга муросасиз бўлишган.

«Нонни хор қилсанг, сени кўр қилади»— дейди халқимиз. «Нонинг мадҳи ҳар бир бозорда айтиладиган достондир, нонинг шуҳрати ва бозори ўлмайди»,— деган экан донишманд Абу Исҳоқ Халлож.

Нонни бундан кейин ҳам эъзозлайлик, унинг бутини ҳам, ушоғи ҳам нонку!

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Қиш. К. ЎЛМАСОВ фотолавҳаси.

Ўзингиз учун SONY дунёсини кашф этишни истайсизми?

Унда телевизорлар, видеомагнитафонлар, видеокамералар, мусиқий марказлар, магнитафонлар, аудио ва видеокассеталар сотиладиган "SONY" магазинига ТАШРИФ БУЮРИНГ

"Дубай-бизнес-центр" МАГАЗИНИ

фирмасининг маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади

Манзилимиз:
Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 81
Телефонларимиз:
(3712) 33-69-93, 32-09-57

Ангрен картон-идиш комбинати

аҳолидан 200-500 граммлик сиғимли (фойдаланилган, шампундан бўшаган) платмасса идишларини қабул қилади. Кундалик зарур эҳтиёжбоп моллар-кир совун, атир совун, сигаретлар, шампунлар, майонез ва бошқаларга алмаштирилади.

Қабул пунктлари манзили.

Тошкент шаҳри бўйича:

Ҳамза туманида
39-сонли Шолохов кўчаси
52-сонли Мальков кўчаси
25-сонли Бирлашган кўчаси 37/2
60-сонли Лисунов кўчаси

Миробад туманида
73-сонли Фарғона йўли
24-сонли 2-Мирсолиҳов боши берк кўчаси, 19
49-сонли Подъёмник кўчаси,
71-сонли Кл. Цеткин кўчаси
8-сонли Октябрь кўчаси, 22

Чилонзор туманида
10-сонли 26 квартал, Макарон фабрикаси бекати.

Юнусобод туманида
11-сонли Малясов кўчаси, 37
12-сонли Малясов кўчаси

Оҳангарон шаҳрида
13-сонли м-н 14, 2-уй
14-сонли м-н 2, 14-уй

Олмалиқ шаҳрида
15-сонли Троллейбус бошқармаси
40-сонли Улуғбек кўчаси
28-сонли Горький кўчаси, 41
43-сонли 51-квартал
30-сонли Примқулов кўчаси

Ангрен шаҳрида
1-сонли Навоий кўчаси, 22
2-сонли 5\5 кварталы, 14-уй
3-сонли Южная кўчаси, АКТК ётоқхонаси
9-сонли Карабау қўрғони
10-сонли Облиқ қўрғони, Боғ кўчаси.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 22.00.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6